

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил апрель ойининг 30 куни жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар суди ўз биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи судья М.Каюмов, судья ёрдамчиси С.Абдурашидовнинг котиблигида, тарафлардан Олмалиқ шаҳар прокурорининг ёрдамчиси А.Шамсуддинов, судланувчи З.Каримов ва унинг ҳимоячиси адвокат Ш.Мўминов, жабрланувчи З.Абдурахимовнинг иштирокида, судланувчи Каримов Зиявутдин Тулагановичга нисбатан 1-1110-2503/155-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра;

Каримов Зиявутдин Тулаганович (Karimov Ziyavutdin Tulaganovich), 1988 йил 28 август куни Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, тадбиркор, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Пискент тумани, А.Дўстбеков МФЙ, Узумзор кўчаси, 25-уйда яшовчи, иш бўйича муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 23.04.2025 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” бандида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини ҳамда томонларнинг фикрини тинглаб, иш материалларини атрофлича тафтиш қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

З.Каримов ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш мақсадида 2024 йил 4 май куни ўзига тегишли бўлган Олмалиқ шаҳар, Увайсий МФЙ, Ойдин-хаёт кўчасида жойлашган 48,55-сонли дўконларни З.Абдурахимовга 20.000 АҚШ доллари эвазига сотишга келишиб, савдо дўконларини давлат рўйхатидан ўтказиб бўлганидан сўнг, 2024 йил 7 май кунига қадар З.Абдурахимовнинг номига ўтказиб беришни ваъда қилиб, З.Абдурахимовдан 20.000 АҚШ долларини олиб, савдо дўконларини 25.07.2024 йилда давлат рўйхатидан ўтказган бўлса-да, дўконларни З.Абдурахимовнинг номига расмийлаштириб бермасдан, қўлга киритган жуда кўп миқдордаги пул маблағларни ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборган.



Суд мажлисида судланувчи З.Каримов айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб қуйидагиларни, Олмалиқ шаҳар, “Ойдин” буюм бозорида эркаклар кийими сотиш билан шуғулланиб келишини, Олмалиқ шаҳар, эски теннис майдони орқа томонидан янги қурилган лекин хали очилмаган бозорда 2 та 48,55-сонли дўконлари борлигини, 2024 йил апрель ойи охирида таниши Шерзод ундан 25.000 АҚШ қарз сўраганлигини, уни таниганлиги ва муносабати яхши бўлганлиги сабабли пул бериб туришини, лекин нақд пули йўқлигини, агарда юқоридаги айтиб ўтган дўконларини сотишда ёрдам берса, уларни сотганидан сўнг, пул бериб туриши мумкинлигини айтганлигини, шунда Шерзод унга дўкони учун харидор топишини айтганлигини, сўнг З.Абдурахимов исмли қўшниси харидор эканлигини айтиб, дўконларини олиб бориб кўрсатганлигини, сўнг З.Абдурахимов билан 2 та дўконини 20.000 АҚШ долларига сотишини, бир hafta ичида кадастр ҳужжатларини тайёрлаб, номига ўтказиб беришини айтганида у рози бўлганлигини, тахминан 4-5 май кунлари З.Абдурахимовдан 20.000 АҚШ доллари олиб, унга бир hafta ичида дўконларни номига ўтказиб бериши ҳақида тилхат ёзиб берганлигини, ушбу жараёни З.Абдурахимов телефонида видео тасвирга олганлигини, сўнг у З.Абдурахимовдан олган 20.000 АҚШ долларини Шерзодга қарзга берганлигини, шунда Шерзод унга пулларни бир ойи давомида тўлиқ қилиб қайтаришини ёки 3 хонали квартирасини уни номига ўтказишини айтганлигини, орадан 3-4 кун ўтгач дўконни З.Абдурахимовни номига ўтказиш мақсадида кадастр ҳужжатларини нотариусга олиб борганида, ҳужжатларда камчиликлар борлиги сабабли нотариус ҳужжатларни қайтариб берганлигини, бу вақт оралиғида З.Абдурахимов ундан дўкон керак эмаслигини, унга берган 20.000 АҚШ долларини қайтаришни талаб қилганлигини, бироқ З.Абдурахимовдан олган пулларни Шерзодга берганлиги учун пулларни қайтара олмаганлигини, ҳозирда ушбу 2 та дўконларини нотариус орқали З.Абдурахимовнинг турмуш ўртоғи К.Мамбетованинг номига ўтказиб берганлигини, жабрланувчига етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаганлигини инobatга олиб, унга нисбатан енгил жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи З.Абдурахимов қуйидагиларни, 2024 йил апрель ойида қўшниси Ш.Хожиқулов унга телефон орқали Олмалиқ шаҳар, эски теннис майдони орқа томонидан очилаётган бозорчада 2 та дўкон сотилаётганлигини, дўкон таниши З.Каримовга тегишлигини айтганлигини, сўнг қўшниси Шерзод ва таниши Ш.Нишонов билан бирга дўконни кўришга борганлигини, 2 та дўконни



кўрганида, улар тайёр ҳолатда бўлганлигини кўриб дўконни сотиб оладиган бўлганлигини, сўнг дўкон эгаси З.Каримов билан 2 та дўконни 20.000 АҚШ долларига сотиб олишга келишганлигини, тахминан 4-5 май куни соат тахминан 19-00 ларда З.Каримовга кўшниси Шерзод ва таниши Ш.Нишоновни гувоҳлигида 20.000 АҚШ доллари берганлигини ва ушбу ҳолатни телефонида видео тасвирига олганлигини, шунда З.Каримов дўконни бир ҳафта ичида номига ўтказиб беришини вада бериб тилхат ёзиб берганлигини ва дўконларнинг кадастр хужжатларини унга бериб кетганлигини, орадан 2-3 кун ўтгач кўшниси Шерзод ёнига келиб, кадастр хужжатларида камчилик борлигини, уларни янгилаш лозим эканлигини айтиб, ундан кадастр хужжатларини олиб кетганлигини, бироқ орадан 2-3 ой ўтсада З.Каримов унга дўконни номига ўтказиб бермаганлигини ва пулларини ҳам қайтаришдан бош тортиб келганлигини, у билан 7 ноябрь куни учрашганида, З.Каримов унга кўшниси Шерзодга 20.000 АҚШ доллари миқдоридан пул берганлигини, ундан қачон олса, шундан сўнг унга пулларини қайтаришини айтганлигини, шундан сўнг ИИБга ариза билан мурожаат қилганлигини, ҳозирда унга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, З.Каримовга нисбатан даъвоси йўқлигини ва енгил жазо тайинлашни сўраб кўрсатма берди.

Суд мажлисида тарафларнинг розилиги билан гувоҳ Ш.Хожиқуловнинг кўрсатуви ўқиб эшиттирилди.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб, З.Каримовнинг жиноят содир этганликдаги айби, жабрланувчи З.Абдурахимовнинг аризаси, ариза юзасидан ўтказилган бирламчи тушунтириш хати, билдирги, кадастр хужжатлари, нарсани кўздан кечириш, олди-сотди шарномаси, юзлаштириш баённомалари, тилхат ва видеоёзувлар ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибида текширилган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тасдиқланади.

Суд дастлабки тергов органи томонидан З.Каримовнинг фирибгарлик яъни алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкни кўлга киритишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил

3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида “ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли



бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил

23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарорининг 29-бандида ЖК 168-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, жиноят оқибатида етказилган зарарни қопланиши озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўллашни истисно этади, шу сабабли, зарар тўлиқ қопланмаган ҳолларда судлар айбдорга нисбатан озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг мақсадга мувофиқ-мувофиқ эмаслиги масаласини муҳокама қилишлари шартлиги белгиланган.

Суд судланувчи З.Каримовга нисбатан жазо тайинлашда унинг шахсни, муқаддам судланмаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий аҳволини, жабрланувчига етказилган моддий зарар қопланганини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар ва жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, қонуннинг одиллик, инсонпарварлик ва айб учун жавобгарлик принципларига риоя қилган ҳолда, содир этилган жиноятнинг характери ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, унга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб айбланаётган модда санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд жабрланувчига етказилган моддий зарарни муҳокама қилиб, жабрланувчи З.Абдурахимовнинг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги ва моддий зарар тўлиқ қопланганлиги ҳақидаги аризасини инобатга олишни, ашёвий далил 1 дона дискни жиноят иши ҳужжатларида сақлашни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454, 457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига мувофиқ,

Х У К М Қ И Л А Д И:

Каримов Зиявутдин Тулаганович (Karimov Ziyavutdin Tulaganovich), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг 15 фоиз миқдорини давлат даромади



ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо муддати маҳкумни жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Ҳукм ижросини назорат қилиш Тошкент вилоят Пискент тумани ИИБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, З.Каримовга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ашёвий далил – 1 дона диск жиноят иши ҳужжатларида сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи судья

М.Каюмов

Маъсул судья: Каюмов Мухаммад Воҳидович

